



Ислом Нури

Аллома Абдулазиз ибн Абдуллох ибн Боз раҳимахуллох

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллохнинг ўзигагина ҳамду санолар, пайгамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин!

Сўнг ...

Соғлом эътиқод Ислом динининг асоси ва Умматнинг пойдевори бўлгани учун, бу суҳбатимизда у хақида сўз юритмоқчиман.

Қуръон ва суннатнинг шаръий далиллари билан маълумки, сўз ва ҳаракатлар соғлом эътиқоддан содир бўлсагина тўғри ва қабул бўлади. Агар эътиқод бузук бўлса ундан келиб чиққан барча шохобчалар ботил бўлади. Аллох таъоло деди: **«Иймонга кофир бўлган банданинг амаллари бекор бўлади ва У охиратда зиёнкорлардан бўлади» (Моида:5)**

«Сизга ва сиздан аввал юборилган пайгамбарларга: «Агар ширк келтирсангиз амалларингиз бекор ва ўзингиз зиёнкорлардан бўласиз»- деб ваҳий қилинди» (Зумар:65). Бу маънодаги оятлар жуда ҳам кўп.

Қуръон қарим ва расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатлари соғлом эътиқоднинг Аллохга ва Аллохнинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират куни, тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришда ҳулосаланишига далолат қилади. Бу олти нарса Қуръон Қарим ва расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган соғлом эътиқоднинг асосларидир. Бу асослардан иймон келтириш фарз бўлган гайб ишлари келиб чиқади.



Ислом Нури

Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хабар берган барча нарса ва бу асосларнинг далиллари Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларида жуда хам кўпдир.

Аллох таъоло деди: «Эзгулик - юзингизни шарк ва гарб тарафларга буришингиз эмас. Балки, эзгулик - Аллохга, охират кунига, фаришталарга, Китобга ва пайгамбарларга иймон келтирган кишининг (эзгулигидир)» (Бакара:177)

«Пайгамбар ва муъминлар (пайгамбарга) индирилган нарсаларга иймон келтирдилар. Барчалари Аллохга, унинг фаришталари, китоблари, пайгамбарларига иймон келтирдилар (ва): «Бизлар Аллохнинг пайгамбарлари уртасини айрмаймиз»- (дедилар)» (Бакара: 285)

«Хой муъминлар, Аллохга, Унинг пайгамбарига, шу пайгамбарига нозил килган Китобга ва ундан аввал индирилган Китобларга хамда охират кунига иймон келтиринглар!» (Нисо: 136)

«Аллох само ва Ердаги барча нарсани билиши ва уларнинг хар бири Китоб (Лавхул-Махфуз) да ёзилган эканини хамда буларни билиш Аллох учун жуда хам осон эканини билмайсизми?!» (Хаж: 70).

Бу асосга далолат киладиган хадисалар хам кўп.

Шулардан бири имом Муслим ўзининг «Сахих» китобида амирул муъминийн Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят килган ва



Ислом Нури

Жибрил алайхиссолату вассалом иймон хакида сўраган машхур хадисдир: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Жибрил алайхиссолату вассаломнинг саволига: **«Иймон Аллохга, унинг фаришталари, китоблари, элчилари, охират куни ва такдирнинг яхши ва ёмонига ишонишингиздир»**- деб жавоб бердилар». Бу хадисни Имом Муслим ва Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоху анхудан ҳам бироз фарк билан ривоят килдилар.

Демак, бу олти асосдан мусулмон киши Аллох таъоло. Охират ва бошка гайб ишлари хакида эътиқод килиши керак бўлган барча нарса келиб чиқади.

Биринчи: Аллох таъолога иймон келтириш

«Бандаларнинг Холики, ризкларини берувчи, сиру асрорларига кадар билувчи, уларга эхсонлар килувчи ва итоатлиларга савоб, итоатсизларга жазо беришга кодир бўлгани учун ҳам, шериксиз ёлғиз ўзигина ибодат килинишга лойик бўлган хакикий илохдир»- деб иймон келтириш Аллох таъолога бўлган иймоннинг ажралмас кисмидир. Аллох таъоло шу ибодат учунгина инсон ва жинларни яратди ҳамда буюрди: **«Мен жин ва инсонларни ўзимгагина ибодат килишлари учун яратдим. Мен улардан ризк истамасман ва менга таом беришларини ирода килмайман. Дархакикат, Аллох ризк берувчи ва буюк кудрат сохибидир»** (Зориёт: 56-58).

«Хой одамлар, сизларни ва сизлардан аввал яшаб ўтган кишиларни яратган роббингиздан кўркинглар! (У) сизлар учун ерни тўшаган, самони тиклаган, осмондан сувни тушуриб, у билан сизлар учун ризк килиб мева ларни чикарган зотдир. Била туриб Аллох учун тенгдош чакирманглар!» (Бакара:



Ислом Нури

21,22).

Ушбу хакикатни баён қилиш, унга даъват этиш ва унинг зиддидан оғохлантириш учун Аллох таъоло пайгамбарларни юбориб, китобларни индирди. Аллох таъоло деди:

«Биз барча халкка: «Аллохгагина ибодат қилинглари ва тоғутдан узок бўлинглари!»- деб даъват этадиган элчини юбордик» (Наҳл: 36)

«Биз сиздан аввал юборган ҳар бир пайгамбарга: «Мендан ўзга илох йўқ, менгагина ибодат қилинглари»- деб ваҳий қилганмиз» (Анбиё: 25)

«...Ҳақим ва Хабардор бўлган зот томонидан Оятлари мустаҳкам қилиниб: «Аллохгагина ибодат қилинглари» деб баён этилган Китобдир. Мен сизлар учун оғохлантирувчи ва хушхабарқидирман-» (Худ: 1,2).

Бандалар қилаётган дуо, ҳавф, умид, намоз, рўза, қурбонлик, назр ва бундан бошқа Аллохга бўлган қомил муҳаббат ҳамда унинг буюқлиги олдида ўта ҳокисорлик ила бўйинсуниш билан бирга рағбат ва кўрқув қаби ибодатларни Аллохнинг ўзи учунгина қилиш – бу ибодатнинг ҳақиқатидир.

Қуръон қаримнинг кўп қисми ушбу буюқ асос ҳақида нозил бўлган. Аллох таъоло деди:

«Аллохга динни ҳолис қилиб қилганинг! Билингни, ҳолис дин Аллох учундир» (Зумар: 2,3).



Ислом Нури

**«Роббингиз ўзигагина ибодат қилишингизга ҳукм қилди»
(Исро: 23).**

«Кожирлар ёктирмасаларда, Аллохга динни холис қилиб дуо қилинглари!» (Гофир: 14).

(Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг) «Сахих» тўпламларида Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ушбу ҳадис нақл қилинган:

«Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам дедилар: **«Аллохгагина ибодат қилиб. Унга бирон нарсани шерик қилмаслик - бандалар зиммасидаги Аллохнинг ҳаққидир»».**

Аллох таъоло бандаларига фарз қилган Исломнинг беш рукни: «Аллохдан ўзга илох йўқ ва Муҳаммад Аллохнинг элчиси»- деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, рамазон ойининг рўзасини тутиш, кодир бўлган кишининг ҳаж қилиши ва бундан бошқа шариат олиб келган фарзларга иймон келтириш - Аллохга бўлган иймондандир.

Бу рукнларнинг энг муҳими «Аллохдан ўзга илох йўқ ва Муҳаммад унинг элчисидир»- деб гувоҳлик беришдир.

«Аллохдан ўзга илох йўқ» деб гувоҳлик бериш, ибодатни Аллохнинг ўзи учунгина холис қилиш ва бошқаларга ибодат қилишни инкор этишни такозо қилади. Шугина «Ла илаха иллоллох» нинг маъносидир. Яъни Аллох таъолодан бошқа сизгиналаётган барча инсон, фаришта, жин ва бошқа махлуқотларнинг ҳар бири сохта маъбуддир. Ҳақиқий маъбуд эса, Аллох таъоло эслатиб ўтганидек, Аллохнинг ўзидир: **«... сабаби Аллох ҳақиқатдир ва одамларнинг ундан бошқа сизгинаётган барча маъбудлари ботилдир».**



Ислом Нури

Биз юкорида Аллох таъоло ушбу асос учун инсон ва жинларни яратиб, шунга буюриб, элчи ва китобларини юборганини эслатиб ўтган эдик. Шундай экан, сиз бироз фикр юритсангиз, ушбу асослар хакикатини кўплаб мусулмонлар билмагани ва Аллох билан бирга бошка махлукларга сигинганлари, шу билан бирга Аллохнинг хакикий хаққини бошкалар учун сарф этганларини очик-ойдин билиб оласиз. Аллохнинг ўзи ёрдам берсин!

«Аллох барча оламнинг Холики, ишларини тадбирловчиси, уларни ўз илми ва кудрати билан хохлаганидек тасарруф этувчи, дунё ва охиратнинг подшохи, барча оламларнинг роббисидир. Ундан ўзга Холик ва Роб йўк, У бандаларнинг ислохи ва дунё ва охиратдаги нажотига даъват килиш учун пайгамбар ва китобларни юборган. У бу ишларнинг барчасида шериги йўк ягонадир». Шу нарсаларга ишониш Аллохга бўлган иймоннинг бир кисмидир.

Аллох таъоло деди: **«Аллох барча нарсанинг Холикидир ва У барча нарсага вакилдир» (Зумар: 62)**

«Дархакикат, роббингиз - Аллох самовот ва ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршга кўтарилган. Кечани кундузга ўрайди, (кеча кундузни) шошилган холда талаб килади. Куёш, Ой ва юлдузлар унинг амрига бўйинсундирилган. Билингки, яратиш ва буюриш Унингдир. Барча оламлар роббиси бўлган Аллох буюкдир» (Аъроф: 54).

Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ишончли суннатларида ворид бўлган Аллох таъолонинг гўзал исм ва буюк сифатларига **тахриф** (Куръон ва ишончли суннатда ворид бўлган исм ва сифатлар маъноларини ўзгартиш), **таътил** (Аллох таъолонинг



Ислом Нури

исм ва сифатларни бекор қилиш), **такйиф** (Исм ва сифатларнинг Аллох таъолода бўлишини ўз хохишига қура тасаввур қилиш) ва **тамсил** (Аллохнинг исм ва сифатларини махлукларнинг исм ва сифатларига ўхшатиш) сиз буюклигига лойик суратда сифатлаш керак деб иймон келтириш ва кайфиятсиз тушуниш – Аллохга бўлган иймондандир. Аллох таъоло деди:

«У(Аллох)га ўхшаш бирон нарса йўқдир. У эшитувчи ва қурувчи зотдир» (Шўро: 11)

«Аллох учун зарбулмасал қилманглар! Аллох билади ва сизлар билмайсиз» (Нахл:74).

Бу – расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобалари ва уларга яхшилик билан эргашган «ахлуссунна валжамоа» нинг эътиқодидир. Буни Имом Абул-Хасан Ашъа-рий раҳимахуллох ўзининг «ал-Мақолот ан асхабил-хадис ва ахлуссунна» китобида нақл қилди. Ундан бошқа кўплаб илм ва иймон ахллари бу каби сўзларни ривоят қилдилар.

Авзоий раҳимахуллох деди: **«Зухрий ва Макхулдан (Аллохнинг) сифатлари баён қилинган оятлар хақида сўралганида: «Оятларда қандай келган бўлса шундай тушунинглар!»- деб жавоб бердилар».**

Валид ибн Муслим раҳимахуллох деди: **«(Имом) Молик, Авзоий, Лайс ибн Саъд ва Суфён Саврий раҳимахуллохлар (Аллохнинг) сифатлари хақида берилган саволларга: «Оятларда қандай келган бўлса, шундай, кайфиятсиз тушунинглар!»- деб жавоб берганлар».**



Ислом Нури

Авзойи раҳимахуллох: **«Биз ва тобиинларнинг барчаси: «Аллох субхонаху Арши устида» деб айтар ва суннатда ворид бўлган сифатларга иймон келтирар эдик»**- деди.

Рабиъа ибн Абу Абдуррахмон Имом Молик раҳимахуллохга Аллох таъолонинг Аршга кўтарилиши хақида савол берганида У: **«Кўтарилиш маълум, бироқ, кайфиятини ақл идрок эта олмас. Аллохдан элчи юбориш, пайгам- бардан етказиш ва биздан тасдиқлаш»**- деб жавоб берди.

Имом Молик раҳимахуллохга Аршга кўтарилиш хақида савол берилганида: **«Кўтарилиш маълум, кайфияти номаълум, унга иймон келтириш фарз ва у хақида сўраш бидъатдир»**- деб жавоб берди-да, савол берган одамга: **«Сен ёмон одам экансан»**- деди ва уни хузуридан чиқаришга амр этди.

Муъминларнинг онаси Умму Салама розияллоху анходан ҳам шу мазмундаги сўзлар ривоят қилинди.

Имом Абу Абдуррахмон Абдуллох ибн Муборак раҳимахуллох: **«Биз роббимизни самовотлар тепасида, Арш устида, махлуқларидан ажраган деб биламиз»**- деди.

Имомларнинг бу тўғрида айтган гаплари кўп бўлиб, бу ерда нақл қилиш имкони йўқдир. Буларни билмокчи бўлган одам суннат олимлари ёзган китобларга мурожаат қилсин. Масалан: Абдуллох ибн Имом Аҳмаднинг «ас-Сунна», Мухаммад ибн Хузайманинг «ат-Тавхид», Абу Бакр ибн Абу Осимнинг «ас-Сунна», шайхулислом ибн Таймийянинг Хамо ахлига берган жавоблари. Бу жавобларнинг катта фойдалари бор. Унда муаллиф «ахлуссунна» эътиқодини очик баён



Ислом Нури

килган ва улар айтган сўзларнинг тўғри, душманлари айтган сўзларнинг ботил эканига далолат килувчи шаръий ва аклий далилларни келтирган.

Шунингдек, у ўзининг «ат-Тадаммурийя» рисоласида бу мавзуни кенгрок ёритиб, «ахлуссунна» эътиқодини аклий, наклиий далиллар ва муҳолифларга раддиялар бериш билан баён килган. Хақиқатни билишни хоҳлаган кишилар бу асарларга муурожаат этсинлар.

Аллох таъолонинг исм ва сифатларида муҳолиф эъти-кодда бўлган хар бир киши, аклий ва наклиий далилларга хилоф бўлгани учун, исм ва сифатларни исбот ёки инкор этар экан зиддиятлар ичида қолиши мукаррардир.

«Ахлуссунна вал-жамоа» эса Аллох таъолога Аллох ўзи учун Куръон Каримда ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам суннатларида исбот этган барча исм ва сифатларни исбот этдилар ҳамда Аллохни махлуқларга ўхшашдан бутунлай покладилар. Натижада, зиддиятлардан узок бўлиб, далилларга амал килдилар. Бу – пайгамбарлар олиб келган хақиқатни ушлаган, шу хақиқат учун бор кучини сарф этган ва Аллох учун хақиқатга муваффақ ҳамда уни зохир қилиши учун холис бўлган кишилардаги Аллох таъолонинг суннатиدير. Аллох таъоло деди:

«Балки, биз хақиқатни ботил устига отамиз. Хақиқат ботилни яксон қилади. Баногнох ботил йўк бўлур» (Анбиё: 18)

«Улар қандай мисол келтирмасинлар, биз сизга хақиқат ва энг гўзал тафсирни олиб келдик» (Фурқон: 33).



Ислом Нури

Хофиз ибн Касир раҳимахуллох ўзининг машхур тафсирида Аллох таъолонинг: **«Роббингиз - ер ва осмонни олти кунда яратиб, Аршга кўтарилган Аллохдир»** оятини чиройли тафсир қилган. Биз ҳам унинг сўзларини бу ерда келтирсак фойдадан холи бўлмайди. У шундай деди: «Одамлар бу ҳақда турлича сўзлар айтган бўлиб, уни бу ерда келтиришнинг имкони йўқ. Биз бу ишларда салаф солихлар: Имом Молик, Авзойи, Саврий, Лайс ибн Саъд, Имом Шофийи, Имом Ахмад, Исхок ибн Роҳвайх ва бошқа яшаган ва яшаётган имомларнинг йулидан юрамиз. Яъни исм ва сифатларни ворид бўлгани каби тақйиф, ташбих ва таътилсиз тушунамиз ва тушунтирамиз. Ўхшатувчиларнинг ҳаёлларига келаётган қуринишлар Аллоҳда йўқдир. Чунки, Аллоҳга махлуқларнинг биронтаси ўхшамас ва У Эшитувчи ва Қурувчи зотдир. Балки, иш Имом Бухорийнинг устози Нуъайм ибн Ҳаммод Ҳузойининг: «Аллоҳни махлуқига ўхшатган киши - кофирдир. Аллоҳ ўзини сифатлаган сифатларни инкор этган киши - кофирдир. Аллоҳ ва расули Аллоҳни сифатлаган нарсаларда ўхшатиш йўқдир»- деб айтгани қабидир. Аллоҳ таъоло учун оятлар ва ишончли суннатларда ворид бўлган исм ва сифатларни (Аллоҳнинг) буюқлигига лойиқ суратда исбот этиб, Аллоҳдан нуксонларни рад этган киши хидоят йулидадир».

Иккинчи: Фаришталарга иймон келтириш

Бу иймон фаришталарга мухтасар (умумий) ва муфассал тарзда иймон келтиришни ўз ичига олади. Мусулмон одам Аллоҳ таъолонинг фаришталари бор экани, У уларни ўзигагина итоат қилишлари учун яратган экани ҳамда уларни Аллоҳдан аввал бирон сўз айтмайдиган, балки, Аллоҳнинг амрига мувофиқ амал қиладиган ҳурматли бандалар деб сифатлаганига иймон келтиради.



Ислом Нури

Аллох таъоло деди: **«Аллох уларнинг олд ва оркаларидаги барча нарсани билади. У(фаришта)лар Аллох рози бўлган кишинигина шафоат киладилар. Холбуки, улар Аллохнинг кўркувидан шафкат сўрайдилар» (Анбиё: 28).**

Фаришталар турли вазифаларни бажарадилар. Уларнинг баъзилари Аршни кўтариш, баъзилари жаннат ва жаханнам посбонлиги, баъзилари эса бандаларнинг килган амалларини саклашга вакил килинган.

Биз муфассал суратда Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам исмларини баён килган Жибрил, Микоил, жаханнам посбони Молик, сурга дам уришга вакил килинган Исрофил каби фаришталарга иймон келтирамиз. Уларнинг исмлари кўплаб ишончли хадисларда ривоят килинган. Имом Бухорийнинг «Сахих» китобида Оиша розияллоху анходан накл килинади: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Фаришталар нурдан, жинлар оловнинг алангасидан, Одам (алайхиссолату вассалом) роббингиз сизга сифатлаган нарса (лой) дан яратилган».** Бу хадисни Имом Муслим ҳам ўзининг «Сахих» ида ривоят килди.

Учунчи: Китобларга иймон келтириш

Аллох таъоло ўз ҳаққини баён килиш ва унга даъват этиш учун пайгамбарларига китоблар нозил килганига муфассал тарзла иймон келтиришимиз фарздир.

Аллох таъоло деди: **«Биз элчиларимизни хужжатлар билан юбордик ва улар билан бирга Китоблар ҳамда одамлар адолатни барпо килишлари учун тарозини туширдик» (Хадид:**



Ислом Нури

25)

«Одамлар яхлит бир уммат эдилар. Аллох уларга хушхабарчи ва огохлантирувчи элчиларни юборди ва улар билан бирга одамлар уртасида ихтилоф килган нарсаларида хукм килишлари учун хакикат билан Китобларни нозил килди» (Бакара: 213).

Аллох таъоло исмларидан хабар берган Таврот, Забур, Инжил ва Куръонга муфассал тарзда иймон келтирамиз.

Куръон Карим бу китобларнинг энг афзали ва сўнггисидир. У ўзидан аввалги барча китобларга ракиб-шоҳид ва уларни тасдиқловчи. Уммат унга расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ишончли суннатлари билан бирга эргашиши ҳамда улар билан хукм килиши керак. Чунки Аллох таъоло Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламни жинлар ва одамларга юборди. Ул зотга инсу-жинлар ўртасида хукм килиши учун куръонни нозил килди ва уни калблардаги касалликларга шифо, барча нарсанинг баёни ва муъминлар учун хидоят ва рахмат килди.

Аллох таъоло деди: **«Бу - биз нозил килган муборак Китобдир. Унга эргашингиз ва такво килингиз! Шояд сизларга рахм килинса» (Анъом: 155)**

«Биз сизга Китобни барча нарсанинг баёни, мусулмонлар учун эса хидоят, рахмат ва башорат ўларок нозил килдик» (Нахл: 89)

«Айтинг; «Хой одамлар, мен сизларга самовот ва ернинг мулки унинг бўлган зотнинг элчисиман. Ундан ўзга илох йўк унинг



Ислом Нури

Ўзи ҳақдир, У тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллоҳга ва унинг Аллоҳга, Аллоҳнинг сўзларига иймон келтирган уммий пайгамбар-элчисига иймон келтиринглар! Унга эргашинглар! Шояд хидоят топсангизлар» (Аъроф: 158).

Бу маънодаги оятлар жуда ҳам кўпдир.

Туртинчи: Пайгамбарларга иймон келтириш

Пайгамбарларга умумий ва муфассал тарзда иймон келтириш фарздир.

Биз: «Аллоҳ таъоло бандаларига ўзлари ичидан хушхабарчи, огохлантирувчи ва ҳақиқатга даъват этувчи элчиларни юборган. Уларга ижобат қилган кимса бахт-саодатга эришиб, муҳолиф бўлган кимса муваффақиятсизлик ва надоматга мубтало бўлади. Пайгамбарларнинг энг афзали ва охиргиси Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар»- деб иймон келтирамиз.

Аллоҳ таъоло деди: **«Биз барча халққа Аллоҳ таъологагина ибодат қилинган ва тоғутдан узок бўлинган!»- (деб даъват этадиган) элчиларни юбордик» (Наҳл: 36)**

«Биз пайгамбарлардан кейин одамлар учун Аллоҳнинг зарарига хужжат бўлмасин учун пайгамбарларни хушхабарчи ва огохлантирувчи қилиб юбордик» (Нисо: 165)

«Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизларнинг эркакларингиздан бирортасининг отаси эмас. Балки, Аллоҳнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисидир» (Ахзоб:



Ислом Нури

40).

Аллох таъоло исмларини баён қилган ёки расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан собит бўлган Нух, Худ, Солих, Иброхим ва бошқа пайгамбарларга исмлари билан иймон келтирамиз. Аллох таъоло пайгамбаримиз ва уларнинг барчасига салавот ва саломлар йўлласин!

Бешинчи: Охират кунига иймон келтириш

Охират кунига иймон келтириш ичига Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ўлимдан сўнг бўлиши хақида хабар берган қабр фитнаси, қабр азоби ва неъматлари, қиёмат куни бўладиган дахшатлар, Сирот кўприги, тарози, ҳисоб-китоб, муқофотлаш, одамлар ўртасида амал номаларининг тарқатилиши: одамларнинг баъзилари уни чап ва баъзилари ўнг ва баъзилари орқа томонларидан олишлари, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга берилган Хавз, жаннат, жаҳаннам, муъминларнинг ўз роббиларини кўришлари ва Унинг улар билан сўзлашиши ва бундан бошқа, Аллохнинг Китоби ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хадисларида собит бўлган барча нарсаларга иймон келтириш ҳам қиради.

Буларнинг барчасига Аллох ва Унинг расули (соллаллоху алайхи ва саллам) хабар берганидек иймон келтириш фарздир.

Олтинчи: Такдир (қадар) га иймон келтириш

Такдирга иймон келтириш тўрт нарсани ўз ичига олади:

Аллох таъоло бўлган ва бўладиган барча нарсани билган экани.



Ислom Нури

Аллох таъоло бандаларининг ахволлари, ризклари, ажаллари, амаллари ва бундан бошқа ишларининг барчасини билган ва унга ҳеч бир нарса сир эмас.

Аллох таъоло деди: **«Аллох барча нарсани билувчидир»**
(Мужодала: 7)

«Токи сизлар Аллох барча нарсага кодир эканлиги ва Аллох ҳар бир нарсани Ўз билими билан ихота қилиб олганини билишларингиз учун...» (Талок: 12).

2. Аллох таъоло тақдир ва ҳукм қилган барча нарсани ёзган экани.

Аллох таъоло деди: **«Биз ер улардан қанча нарсани қамайтира олганини билдик. Бизнинг ҳузуримизда (барча нарсани) сакловчи Китоб бордир»** (Коф: 4)

«Биз барча нарсани очик Китобда белгилаб қўйдик» (Ёсин: 12)

«Аллох Само ва Ердаги барча нарсани билишини билмадингизми?! Унинг барчаси Китобда ёзилгандир. Дарҳақиқат, бу Аллох учун осондир» (Ҳаж: 70).

3. Аллохнинг таъсир этувчи хоҳишига ишониш.

Аллох таъоло хоҳлаган нарса бўлади ва хоҳламаган нарса бўлмайди.

Аллох таъоло деди:

«Аллох хоҳлаганини қилади» (Ҳаж: 18)



Ислом Нури

«Балки, Унинг иши бир нарсани хохлаб колса «Бўл!» дейди ва у бўлади» (Ёсин: 82)

«Сизлар барча Оламлар роббиси бўлган Аллох хохласагина хохлайсизлар» (Таквир: 29).

4. Аллох таъолонинг барча махлуқотни яратган экани.

Махлуқотларнинг Аллохдан бошка Холики ва Роббиси йўқдир.

Аллох таъоло деди: **«Аллох барча нарсанинг Холикидир ва У барча нарсага Вакилдир» (Зумар: 62)**

«Хой одамлар, Аллохнинг берган неъматларини ёдга олинглар! Сизлар учун осмону ердан ризк берадиган Аллохдан ўзга Холик борми?! Ундан бошка илох йўқдир. Бас, сизлар каёкка бурилиб кетмокдасизлар» (Фотир: 3).

«Ахлуссунна вал-жамоа» эътиқодида тақдирга иймон келтириш, бидъатчиларга хилоф ўларок, мазкур тўрт нарсага иймон келтиришни ўз ичига олади.

Аллох таъолога иймон келтириш ичига: «Иймон - талаффуз ва амал бўлиб, Аллохга итоат килиш билан кўпаяди ва осий бўлиш билан озаяди. Модомики, халол ҳисобламас экан, ширк ва куфрдан бошка зино, ўгирлик, судхўрлик, маст килувчи ичимликларни ичиш, ота-онага ок бўлиш ва бундан бошка катта гуноҳларни килиш билан бирон бир мусулмонни кофир деб ҳисоблаш мумкин эмас»- деб эътиқод килиш ҳам киради. Зеро, Аллох таъоло шундай деди: **«Аллох ўзига шерик килинишини кечирмайди ва ундан бошка барча гуноҳларни хохлаган кишиси учун кечиради» (Нисо: 48 ва 116).**



Ислом Нури

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килинган энг ишончли хадисларда ҳам, Аллох таъоло калбида хардал уругича иймон бўлган кимсаларни жаханнамдан чиқариши хақида хабарлар келган.

Аллох таъолога иймон келтириш ичига Аллох йулида яхши кўриш ва Аллох йулида нафратланиш ҳамда Аллох йўлида дўстлашиш ва Аллох йўлида душман бўлиш ҳам киради. Демак, муъмин муъминларни севиб, улар билан дўст бўлади. Кофирларни эса ёмон кўриб, уларни ўзи учун душман деб ҳисоблайди.

Ислом Умматининг биринчи муъминлари – расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобалари эди.

«Ахлуссунна вал-жамоа» расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобаларини севиб, уларни ўзлари учун дўст деб ҳисоблайдилар ва уларни: «Пайгамбарлардан сўнг одамларнинг энг афзаллари»- деб эътиқод қиладилар.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Асрларнинг^[1][1] энг яхшироғи менинг асрим. Кейингиси улардан кейингилари, кейингиси улардан кейингилари»** (Муттафақун алайх).

«Ахлуссунна вал-жамоа»: «Саҳобаларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддик, кейингиси Умар ибн Хаттоб, кейингиси Усмон Зуннурайн, кейингиси Алий ал-Муртазо, улардан кейингилари жаннатдан башорат берилган ўнта саҳоба, кейин- гилари эса бошқа саҳобалардир (Аллох улардан рози бўлсин!)»- деб эътиқод қиладилар.

«Ахлуссунна вал-жамоа» саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлардан кўз юмадилар ва: «Улар ижтиҳод қилдилар.



Ислом Нури

Тўғри ижтиҳод қилган саҳобаларга икки, хато ижтиҳод қилган саҳобаларга битта савоб бор»- деб эътиқод қиладилар.

«Ахлуссунна вал-жамоа» расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга иймон келтирган аҳли байтларининг барчасини севадилар ва уларни ўзлари учун дўст деб биладилар. Улар расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг барча рафикалари – муъ- минларнинг оналарини яхши курадилар ва ўзлари учун дўст деб биладилар ҳамда уларнинг барчаларига Аллох улардан рози бўлишини сўраб дуо қиладилар.

«Ахлуссунна вал-жамоа» расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобаларини ёмон кўрган, уларни сўккан ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг аҳли байтлари хақида гулув тушунчаларга бориб, уларни Аллох таъоло кўйган макомлардан юкори макомларга чиқарган «рофиза» лар (шиалар) нинг йулларидан ҳамда расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хонадонига сўз ва ҳаракатлари билан озор берган «носиба» лардан узок бўладилар.

Кискача суҳбатимиз мобайнида тилга олишга ҳаракат қилганимиз Аллох таъоло расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан бирга юборган «Соғлом эътиқод» дир. Бу нажот топгучи тоифа – «ахлуссунна вал-жамоа» эътиқодидир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бу тоифа хақида дедилар: **«Умматимдан бир тоифа Аллохнинг амри келгунига қадар, хақиқат узра, ёрдамланган ҳолатида қолади. Уларга уларни тарқ этган кимсалар зарар етказа олмайдилар».**

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Яҳудийлар етмиш бир, насронийлар етмиш икки гуруҳга бўлиндилар. Бу Уммат тез кунда етмиш уч гуруҳга бўлинади. Уларнинг биридан бошқа**



Ислом Нури

барча гуруҳи жаханнамда- дир»- дедилар. Саҳобалар: «Улар кимлар, ё расулуллоҳ?»- деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ва саҳобаларим юрган йўлдан юрган кимсалар»- деб жавоб бердилар. Демак, бу – маҳкам ушлаш, устида са- бот билан туриш ва унга зид бўлган нарсалардан узок бўлиш керак бўлган эътиқоддир.

Ушбу эътиқоддан юз угирган ва унга зид бўлган йуллардан юрган одамларнинг тоифалари ҳам кўпдир. Улар бут, фаришта, жин, авлиё, дарахт, тош ва бошқа махлукларга ибодат қилган кимсалардир. Улар пайгамбарларнинг даъватларига ижобат қилмаган, балки, уларга Қурайш ва бошқа араб қабилалари ўжарлик қилиб муҳолиф бўлганларидек, муҳолифлик қилдилар. Улар ўз маъбудларидан эҳтиёжларини ўташлари, қасалликларига шифо, душманлари устидан галаба беришларини сўрашар, улар учун қурбонликлар сўйиб, назрлар қилар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг бу амалларини инкор қилдилар ва уларни Аллоҳнинг ёлғиз ўзига холис ибодат қилишларига даъват қилганларида улар бундан ажабландилар ва инкор қилдилар. **«Кўпгина олихаларни битта илоҳ қилиб қўйдими?! Бу жуда ҳам ажойиб ишқу!»** (Сод: 5)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни тинимсиз Аллоҳ таъолонинг йулига даъват этдилар, ширк амалларидан огохлантирдилар ва ўзлари даъват этаётган диннинг ҳақиқатини баён қилдилар. Натижада, Аллоҳ таъоло уларнинг бир гуруҳини ислом динига хидоят қилди. Кейинрок эса араблар Ислом динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб қира бошладилар. Аллоҳнинг дини расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар ва тобиинларнинг тинимсиз ҳаракатлари



Ислом Нури

ва жиходлари сабабли барча динлар устидан голиб келди. Кўплаб халқлар жаҳолат зулматига гарк бўлиб, уларнинг талайгина қисми пайгамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги гулув тушунчалари, улардан ёрдам сўраб дуо қилишлари ва бошқа ширк турлари билан жоҳилият динига қайтдилар-да, «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасининг маъноларини араб кофирлари билгани каби била олмай қолдилар. Бизга Аллоҳнинг ўзи ёрдамчи бўлсин!

Ширк амали жаҳолатнинг галабаси сабабли пайгамбарлик асридан то бизнинг қунимизга қадар ҳар ерда намоён бўлмоқда.

Ҳозирги мушрикларнинг шубҳаси аввалги мушриклар шубҳасининг айнан ўзидир.

Аллоҳ таъоло деди: **«(Мушриклар): «Улар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги хомийларимиздир»- (дедилар)» (Юнус: 18)**

«(Мушриклар): «Биз у (олиҳа) ларга бизларни Аллоҳга яқин қилади, деб ибодат қиламиз, ҳолос»- (дедилар)» (Зумар: 3).

Аллоҳ таъоло бу шубҳани бекор қилиб, Аллоҳдан бошқаси учун, у ким бўлишидан қатъий назар, ибодат қилган киши кофир бўлиб, Аллоҳга шерик қилган эканини баён қилди.

Аллоҳ таъоло деди: **«(Улар) Аллоҳдан ўзга, ўзлари учун зарар ёки фойда бера олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги хомийларимиз»- деб айтадилар» (Юнус: 18).**

Аллоҳ таъоло уларга ўзининг бу сўзлари билан раддия берди: **«Айтинг; «Сизлар Аллоҳга Ер ва Осмонларда бўлмаган**



Ислом Нури

нарсаларидан хабар берасизларми? Мен Аллохни мушриклар сифатлаётган барча нарсалардан поклайман» (Юнус: 18). Аллох таъоло бу оятларда ўзидан бошқа барча кимса – пайгамбар, фаришта ва бошқаларга ибодат қилиш, гарчи мушриклар бошқача номлар билан номласалар-да, катта ширк эканини баён қилиб деди: **«(Мушриклар): «Биз уларга бизларни Аллохга якин қиладилар. Деб ибодат қиламиз, холос»- (дедилар)» (Зумар: 3).** Аллох таъоло мушрикларга раддия бериш мақомида шундай деди: **«Аллох таъоло улар ўртасида қелиша олмаган нарсаларида ҳукм қилади. Дарҳақиқат, Аллох ёлгончи кофирларни ҳидоят қилмайди» (Зумар: 3).** Аллох таъоло уларга дуо, кўрқув, умид ва бошқа нарсалар билан ибодат қилиш Аллох таъолога кофир бўлиш эканидан хабар бериб мушрикларнинг: **«Олихаларимиз бизларни Аллохга якин қилади»- деб айтишлари ёлгон эканидан дарак берди**

Соғлом эътиқод ва пайгамбарлар олиб келган хабарларга зид бўлган куфр эътиқодлари

Асримизда яшаётган ва ўзларини социалист, коммунист ва баъсчи деб номласада, лекин, Ленин ва Маркс издошлари бўлган дахрийлик ва куфр даъватчилари бўлмиш худосизлар эътиқоди.

Чунки уларнинг тасаввурларининг асоси – охират, жаннат ва жаханнамни инкор этиш ва барча динларга кофир бўлишдир. Уларнинг китобларини ўқиган ва ахволларини ўрганган одам, бу эътиқод барча самовий динларга зид ва эргашган кишиларни дунё ва охиратдаги энг хатарли оқибатларга олиб боришини тушуниб етади.

Ҳақиқатга зид бўлган эътиқодлардан бири – ботинийлар ва тасаввуф ахлининг «авлиёлар» деб исмлаган кишиларни Аллохга Коинот



Ислом Нури

ишларини бошқариш ва режалаштиришда шерик деб эътиқод килишларидир.

Улар ўз авлиёларини «кутб», «автод», «гавс» ва бошқа ўзлари ихтиро қилган номлар билан атайдилар. Бу - рубубиятдаги энг хунук ширқдир. Бу ширқ жоҳилият давридаги арабларнинг ширқидан ҳам ёмонроқдир. Чунки жоҳилият даврида яшаган араблар рубубиятда эмас. Балки, ибодат пайтидагина Аллох учун шерик қилар эдилар. Уларнинг ширқлари хаётларининг фаровонлик давригагина чекланар, кийинчилик пайтларида эса ибодатни Аллох учун холис қилар эдилар.

Аллох таъоло деди: «Улар кемага минар эканлар динни Аллох учун холис қилишар, Аллох уларни курукликка саломат етказса Аллохга шерик қилар эдилар» (Анкабут: 65).

Улар рубубият Аллох учунгина эканига эътироф этар эдилар: **«Улардан ўзларини ким яратгани хақида сўрасангиз улар: «Аллох»- деб жавоб берадилар» (Зухруф: 87).**

«(Сиз): «Сизларни Само ва Ердан ризклантирган, (сизларнинг) эшитиш ва кўриш(ингиз)га эга бўлган, ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқарадиган ва ишларни режалаштирадиган зот ким?»- деб сўрасангиз, улар тезда: «Аллох»- деб жавоб берадилар. Бас, Сиз улар- га: «Ундай бўлса каёкка бурилиб кетаяпсизлар?»- деб айтинг» (Юнус: 31).

Бу маънодаги оятлар жуда хам кўп.

Кейинги мушриклар аввалги мушрикларга икки нарсани зиёда қилдилар:



Ислом Нури

Биринчи: Баъзи одамларнинг Аллох таъолога рубубиятда шерик килишлари.

Иккинчи: Хам фаровонли, хам кийинчилик пайтларида Аллох таъолога шерик килишлари.

Буни уларнинг ахволларидан ўрганиб, улар ичида юрган хамда Мисрдаги Хусайн ва Бадавий, Адандаги Айдарус, Ямандаги Ходий, Шомдаги Ибн Арабий, Ирокдаги Абдулкодир Жийлоний, (Бухородаги Бахоуддин Накшбанд) ва бошкаларнинг кабрлари олдида килинаётган ишларни кўрган одам жуда яхши билади. Уларнинг бу ишларини таъкиклаб, Аллох таъоло Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам ва бошка пайгамбарлар билан юборган тавхид хакикатини баён килиб берадиган одамларнинг сони жуда хам оздир. **«Биз Аллохнинг (кули) миз ва Унгагина кайтувчидирмиз».**

Биз Аллох таъолодан уларни тўғри йўлга йўллаши, улар ўртасида хидоят даъватчиларини кўпайтириши хамда мусулмонларнинг рахбарлари ва уламоларини бу ширкни илдизи билан куриштиришига муваффақ килишини сўраймиз. У эшитувчи ва якин зотдир.

Соғлом эътиқодга исм ва сифатларда зид бўлган эътиқодлардан бири – жахмий, мўтазила ва уларнинг йўлларида юрган бидъатчиларнинг Аллохнинг сифатларини рад этиш ва Аллохнинг камолотига лойик бўлганидек тушунмаслик хамда Аллох таъолони махлук, ашё ва бўлиши мумкин бўлмаган сифатлар билан сифатлашдаги эътиқодларидир. Аллох уларнинг айтган сўзларидан бутунлай буюқдир.

Булар жумласига Ашъарийлар каби Аллохнинг баъзи сифатларини



Ислом Нури

исбот ва баъзиларини инкор этган гурухлар ҳам киради. Уларнинг исбот этган сифатларида ўзлари инкор этган ва аклий ҳамда наклий далилларини таъвил килган сифатлардаги улар кочган нарсанинг ўхшаши (яъни: ташбих) лозим бўлади. Улар бу ишда очик карама-каршиликка тушиб қоладилар.

Аmmo «ахлуссунна вал-жамоа» Аллох таъоло учун Аллох ва расули Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам исбот этган исм ва сифатларни комил суратда исбот этдилар ва Аллох таъолони махлукларига ўхшашдан бутунлай покладилар. Улар далилларга амал килдилар ва бирон бир ўзгартишга йўл кўймадилар. Натижада, бошқалар тушган зиддиятлар гирдобига тушмадилар. Шугина дунё ва охиратдаги бахт-саодат йўлидир. Шугина бу Умматнинг салафи ва имомлари юрган йўлдир. Зеро, бу Умматнинг охирини Аллохнинг Китоби ва суннатга эргашиш ва у иккисига зид бўлган нарсани тарк қилишгина ислох қилиши мумкин.

Аллох субхонаху ва таъолодан газабининг сабабчилари ва аламли азобларидан панох сўрайман.

Аллох пайгамбаримизга, унинг оиласи ва сахобаларига салавот ва саломлар йўлласин!